



2017 у.г. «25» феврал. № 453 -к Самарқанд т. – р. Самарқанд

Фуқаро Абдуев Мусинжон Уроковичга тегишли уй-жойини бир қисмини турар жой тоифасидан нотурар жой тоифасига айлантириш ҳақида

Тумандаги “Қўлбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини, “Қўлба” маҳалласида яшовчи фуқаро Абдуев Мусинжон Уроковичга тегишли “Қўлбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли “Қўлба” маҳалласида жойлашган уй-жойини бир қисмини турар жой тоифасидан нотурар жой тоифаси мебел ишлаб чиқариш цехига айлантириш тўғрисидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш “Ягона дарча” марказига ёзган аризасини кўриб чиқиб, туман архитектура ва қурилиш бўлимининг 2017 йил 3 февралдаги 5-сонли қулосаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги “Қўлбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини, “Қўлба” маҳалласида яшовчи фуқаро Абдуев Мусинжон Уроковичга тегишли уй-жойини, мазкур қарорга алоқа қилинган кадастр ҳужжатларининг иш режасида чегаралари кўрсатилган 1006 литердаги омборхона майдони 214,93 м.кв.-дан иборат бўлган бино-иншоотлар турар жой тоифасидан нотурар жой тоифаси мебел ишлаб чиқариш цехига айлантиришга рухсат берилсин ҳамда умумий 214,93 м.кв. ер майдонидан нотурар жой тоифаси сифатида доимий фойдаланишга рухсат берилсин.
2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан, туман ер тузиш ва кўчмас мүлк кадастри давлат корхонаси (Т.Шаропов), туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қаршиев), туман давлат солиқ инспекцияси (З.Зохидов), туман статистика бўлими (Ж.Зарипов) ҳамда тумандаги “Қўлбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини (М.Раҳмонов)ларга фуқаро Абдуев Мусинжон Уроковичга тегишли уй-жойини бир қисмини турар жой тоифасидан нотурар жой тоифаси мебел ишлаб чиқариш цехига айлантирилиши муносабати билан ўрнатилган тартибда рўйхатга олиб, тегишли ҳужжатларини расмийлаштириш ва туман ҳокимлигига маълумот тақдим этиш вазифаси топширилсин.
3. Фуқаро Абдуев Мусинжон Урокович зиммасига: а) мебел ишлаб чиқариш цехининг ташқи кўринишини архитектура лойихаси ҳамда талабларига риоя қилинган ҳолда бинони конструктив қисмини бузмаслик, санитария, гигиена ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш; б) тадбиркорлик фаолияти доирасида иш олиб бориш учун амалдаги қонунларга асосан, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтиб, махсус гувоҳномага биноан ўз фаолиятини олиб бориш вазифаси топширилсин.
4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари С.Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Кадиров